

Photoshop курси бўйича амалий машғулотлар тўплами 4



21-ДАРС. РЕКЛАМА ҚИЛИНАЁТГАН МАҲСУЛОТДА ПУРКАЛИШ ЭФФЕКТИ.

1-қадам. Фон фотосуратини очинг, кейин пуркалиш эффектини қўллашингиз керак бўлган нарса фотосуратини очинг. Нарса тасвирини белгиланг ва уни фон фототасвири устига олиб боринг (бу ҳолатда биз, одеколон флаконининг пуркалган сув ортидаги турганлиги таассуротини ҳосил қилмоқчимиз).



2-қадам. **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг пастидаги **Add a layer mask** (Никоб қатламини қўшиш) нишончасини чертинг. Сув томчилари атир шишаси орқали кўринарли бўлиши учун **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 50% гача камайтиринг. Асосий ранг сифатида қорани белгиланг, **Brush** (Мўйқалам) ускунасини танланг, **Options** (Параметрлар) панелидан **Brush Picker** (Мўйқалам танлаш) ойнасини очиб, юмшоқ қиррали мўйқаламни танланг. Олд режага ўтказиш учун шиша орқасидаги сув томчилари устидан чизинг.



3-қадам. Сув томчилари устида чизиш билан сиз никоб устини чизиб шиша қисмларини беркитяпсиз. Бу билан сув пуркамаси атир идишининг орқасида эмас, балки олдида турганлиги эффекти ҳосил бўлади. Мўйқалам ўлчамини пуркама ўлчамига мос тарзда ўзгартириш мумкин. Бунинг учун <[> ва <]> тугмаларидан фойдаланинг. Пуркамалар устидан чизиш ишлари тугагач, хираликни 100% қилиб аввалги ҳолатига қайтаринг ва пуркамалар шиша идиш тасвиридан олдинга ўтиб қолади. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида қўшимча қилиб қўйиш режимини **Darken** (Тўқроқ)га алмаштириш мумкин, атир идиш тасвирига хиралик қўшилади.




22-ДАРС. БИР ТАСВИРНИ БОШҚАСИ УСТИГА ҚЎЙИШ.

1-қадам. Лойихангизда фойдаланмоқчи бўлган биринчи фототасвирингизни очинг.



2-қадам. Энди эса лойихангизда қўллашингиз керак бўлган иккинчи фотосуратингизни очинг. **Move** (Силжитиш) ускунаси ёрдамида уни биринчи тасвир устига тушинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг пастидаги **Add a layer mask** (Ниқоб қатламини қўшиш) нишончасини чертинг ва асосий ранг сифатида қорани белгилаш учун <x> тугмасини босинг.



3-қадам. **Brush** (Мўйқалам) ускунасини танланг, **Options** (Параметрлар) панелидан **Brush Picker** (Мўйқалам танлаш) ойнасини очиб, у ердан катта (200-пикселли) ва юмшоқ қиррали мўйқаламни танланг. Фототасвир устида чизинг. Чизиш мобайнида фототасвир куйи даражада кўриниб боради (футболчилар сурати). Катта ва юмшоқ қиррали мўйқаламдан фойдаланаётганингиз учун тасвирни қўйиш янада табиий ва сузувчи кўринишда бўлади. Агарда чизишда хатога йўл қўйсангиз, асосий рангни оқга алмаштиринг, мўйқаламда хатони бўянг ва рангни аввалги қора рангга ўтказиб чизишда давом этаверинг.



